1 (435)
2005 йил 5 январь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Тўкис бахтнинг сири — соғликда
▶ Хароб бино бўш қолмади...

3
▶ Жизмонсойга бир келинг!
▶ Қотил она кирдикорлари...

4
▶ Тасаввуф қалб илмидир
▶ Миржалолга муносиб соврин

## ЙИЛ - ЎН ИККИ ОЙ

**2005 йилнинг илк сони учун**

Дераза олдида тувакдаги гул,
Исириқ уйларда — хуш мушки-анбар.
Ёстиққа ёнбошлаб, оёқ узатиб
Бекорчи гапларни тахлайди ЯНВАРЬ.

Куртакларни алдай бошлайди шамол,
Бўғотда сумалак — ханжардек қурол.
Булутлар ичида қуёшни кўриб
Жойидан қимирлаб қўяди ФЕВРАЛЬ.

Ер кўпчиб турибди, ҳарорат энди,
Майсалар бошини силамоғи шарт.
Изғирин йўлини кесиб чиқса ҳам
Қуёшни етаклаб келаверар МАРТ.

Борлиққа яхшилик бостириб келар,
Япроқлар қўлидан тортқилайди ел.
Гарчи ёз фаслига бир чақирим бор,
Ёқангчи ечтирар шошқалоқ АПРЕЛЬ.

Қизғалдоқ гуллари қирларда меҳмон,
Ялпизга ариқнинг лабидаги жой.
Юзини беркита бошлаган дала
Ортидан югуриб бораяпти МАЙ.

Офтобга қизарган юзини тутиб,
Ўт-ўлан сарғайиб боргани сайин,
От минган чавандоз каби гўёки
Сув-сув терлаб борар, ҳансираб ИЮНЬ.

Жазирама кундуз экиннинг жони,
Турлари чигиртка базмига мойил.
Деҳқоннинг кетмони бўй бермас, лекин
Забтига олади барибир ИЮЛЬ.

Ҳовуридан тушар аста қуёш ҳам,
Қўсаклар маржондек тизилган тўкис.
Қўксини шабада томонга буриб
Сунбула сувидан ичади АВГУСТ.

Ҳуррият байроғи ҳилпирар мағрур,
Олтинга айланди юракдаги сабр.
Бу юртнинг севимли қаҳрамонидай
Вазмин қучоқ очиб турар СЕНТЯБРЬ.

Пахтазор кўкраги осмонга тегар,
Тарозу устида орзу-ният бор.
Ҳаммани тўйига чорлаб, чақириб,
Ўзида йўқ хурсанд оппоқ ОКТЯБРЬ.

Қиш бўлиб қиш эмас, куз бўлиб кузмас,
Майлида, билганин қилсин кўявер.
Ҳар икки фаслга кўнгил қўёлмай,
Икки ўт ичида сарсон НОЯБРЬ.

Музларнинг тагига тушиб кетди Ой,
Қор босган қирларнинг елкаси букур.
Иш қочиб кеттандай ва уни йўқлаб
Тўрвасин кўтариб келар ДЕКАБРЬ.

Ҳамид НОРҚУЛ

**2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили**

## ТИББИЙ МАДАНИЯТ — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

***Тошкент вилоятида Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолига малакали тиббий хизматни янада яхшилаш мақсадида бирламчи ёрдам кўрсатиш тиббиёт муассасалари сони кўпайтирилмоқда. Дастур талабларига кўра бугун барча шаҳар ва туман марказий касалхоналари қошида Шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари фаолият кўрсатяпти.***

Ангрен шаҳар марказий шифохонаси қошидаги Шошилинч тиббий ёрдам бўлими — улардан бири. Ўттиз ўринга мўлжалланган бу масканда малакали шифокорлар хизмат қилади. Кейинги уч йил давомида улар тўла малака оширди.

Шаҳар марказий шифохонаси «Тез тиббий ёрдам» бўлими ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, қўшимча автотранспорт ажратилди.

Айни пайтда шаҳарда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ангрен филиалини ташкил этиш борасидаги ишлар давом этяпти. Шу мақсадда «Ўзбекшахтақурилиш» очиқ акциядорлик жамияти қурувчилари томонидан марказий касалхонанинг 1-биносида реконструкция ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Юз ўринли, замонавий филиал ишга тушгач, аҳолига кафолатланган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти туғилади.

Бош шифокор Линура Исмоилованинг айтишича, шаҳарда 23 та даволаш-профилактика муассасаси мавжуд. Аммо уларнинг аксарияти жиддий капитал таъмирга муҳтож, моддий-техника базаси ҳам талаб даражасида эмас.

Даволаш-профилактика муассасалари шифокорлар билан қирқ фоиз атрофида таъминланган. Бу йил атиги икки нафар янги шифокор ишга келди. Айни кунларда мавжуд 540 ўринда атиги 234 нафар шифокор ишлаяпти.

— Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2005 йилнинг Сиҳат- саломатлик йили деб эълон қилиниши айни муддао бўлди, — дейди Л.Исмоилова. — Бу аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлади.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

**9 январь — такрорий овоз бериш куни**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.***

***Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатга олинди.***

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 та участка сайлов комиссияси тузилган эди. Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 489 нафар депутатликка номзод, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 114, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 108, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясидан — 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 58, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — 71, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 54 нафар депутатликка номзод қатнашди.

5 та сайлов округида икки нафардан, 23 та сайлов округида уч, 55 та сайлов округида тўрт, 32 та округда — беш, 5 та округда олти нафардан номзод бир депутатлик мандати учун кураш олиб борди.

Республика бўйича сайловчилар рўйхатига 14323709 сайловчининг фамилияси киритилиб, уларнинг 12197159 нафари, яъни 85,1 фоизи овоз беришда иштирок этди. Овоз беришда сайловчиларнинг Тошкент шаҳрида — 81 фоизи, Андижон вилоятида — 87,8 фоизи, Бухоро вилоятида — 86,4 фоизи, Жиззах вилоятида — 88,6 фоизи, Навоий вилоятида — 80,5 фоизи, Наманган вилоятида 88,3 фоизи, Самарқанд вилоятида — 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида — 86,9 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 81,7 фоизи, Тошкент вилоятида — 82,3 фоизи, Фарғона вилоятида 87,4 фоизи, Хоразм вилоятида — 84,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 86,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида — 85,2 фоизи қатнашди.

Барча 120 та сайлов округида овоз беришда сайловчилар рўйхатларига киритилганларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва мазкур округларда сайлов ўтган, деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 62 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистан Либерал-демократик партиясидан — 21 киши, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 18, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясидан — 9, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 6, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — 2, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 6 киши бор. 62 нафар сайланган депутатнинг 8 нафари — 12,9 фоизи хотин-қизлардир.

Республика бўйича 58 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмади. Шу сабабли 2005 йил 9 январь куни такрорий овоз бериш ўтказиш тўғрисида 2004 йил 29 декабрда қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов очиқ, ошкоралик руҳида, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий кузатувчиларнинг кенг иштирокида ўтди. Парламент сайловида 40 давлатдан 228 нафар хорижий кузатувчи, жумладан МДҲ, ЕХҲТ кузатувчилар миссиялари қатнашди. Сайлов сайлов қонунчилигига тўла мувофиқ ҳолда ўтди. Бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланаётганлигидан далолатдир.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

## ШАҲАРНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН ШИФОХОНА

***Инсоннинг соғлиғи унинг азиз умрига бир маъно, шодмонлик, файз киритади. Кутилмаган дард исканжасига олган палла нажоткор шифокорларимизнинг енгил қўллари мадад бўлади, дардни олади. Барча қулайлик ва шароитлари мавжуд шифохоналар эса бугунги куннинг талабидир.***

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ниёзбош қишлоғида жойлашган касалхонани "Ниёзбош" ширкат хўжалиги оталиққа олиб тўла таъмирлаб, жиҳозлаб берди. Эндиликда шаҳар касалхоналаридан қолишмайдиган мазкур шифохона 30 мингга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

**СУРАТДА:** шифохона шифокори беморни кўздан кечирмоқда.

**Расмий ахборот**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 январь куни Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Орифни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлади, ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

— Сизни нафақат Эрон вице-президенти, балки ушбу мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган арбоб ва олим сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган. Давлатларимиз ўртасидаги алоқаларда мулоқот ва маслаҳатлашувлар доимийлик тусини олган. 2000 йилдан буён уч маротаба олий даражадаги учрашув ўтказилди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасидаги мулоқотлар ҳам изчиллик касб этмоқда.

Эрон раҳбарияти Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Ҳозирги кунда томонларнинг ўзаро ҳамкорликдан манфаатдорлиги, айниқса, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишига кўмаклашишда яққол намоён бўлмоқда. Экстремизмга, террорчилик ва наркобизнесга қарши курашиш муаммолари ҳам ўзаро муносабатлардаги долзарб масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон ва Эрон Марказий Осиё билан Форс кўрфазини боғлайдиган халқаро транспорт йўлагининг Афғонистон орқали ўтувчи қисмини барпо этишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йилнинг ёзида Теҳронда имзоланган Трансафғон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги уч томонлама ҳужжат муҳим аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа ҳаётга татбиқ этила бошлади ва унинг ижросини жадаллаштириш учун давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш масаласи кўрилмоқда.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида иқтисодий соҳада ҳам самарали ҳамкорлик қарор топган. Юртимизда Эрон компанияларидан еттитасининг ваколатхонаси, эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Транзит юк ташиш борасидаги кўрсаткичлар йил сайин ўсмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан каби ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

Эроннинг биринчи вице-президенти самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун барча имкониятлар етарли эканлигини қайд этди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЎзА

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

## БАҲОДИР — ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ

***БУХОРО. /ЎзА мухбири Илҳом САФАР/. Вилоятдаги ҳарбий қисмлар, маҳаллалар, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирлари давом этмоқда.***

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши тизимидаги спорт-техника клублари вакиллари Пешку туманида ҳарбий-амалий кўпкураш, тўсиқлар оша югуриш ва пневматик милтиқдан нишонга отиш бўйича беллашди.

Йигитлар баҳсида ромитонлиқ Баҳодир Қаландаровга тенг келадиган спортчи топилмади. Унинг тумандоши Гулноза Қобилова ҳам барча дуғоналарини ортда қолдириб, ғолиб бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Ромитон тумани вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Пешку тумани ва Бухоро шаҳри жамоалари эса кучли учликдан жой олди.



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Бугунги кунда ҳарбий қисмларимиз ана шундай шарт-шароитларга эга.

**Mahalla**

— Яна нима дейди?
— Янги йилда муштарийлар кўпайди, — дейди.

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:148**

**Хомий:**
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:**
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

**Муассислар:**
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА 2005 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

"Mahalla" ахборотн

Қашқадарё вилояти

## ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ҚЎШАЛОҚ ИМКОНИ

***Биргина ўтган йили Қашқадарё вилоятида олтита қўшма корхона — "Косон ёғ-экстракция" Ўзбекистон-АҚШ, "Cotton road" Ўзбекистон—АҚШ—Туркия, "Мелиотрансқурилиш" Ўзбекистон Нидерландия, "Кўкдумалоқ-газ" Ўзбекистон—АҚШ, "Топаз—Анзур" Ўзбекистон—Германия қўшма корхоналари ишга туширилди. Бугун улар сафига Шаҳрисабз туманидаги "Янги ҳаёт агро" Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси ҳам қўшилди.***

Низом жамғармаси 200 минг долларга тенг бўлган бу янги қўшма корхонани "JIDA" халқаро ташкилоти ва АҚШ фуқароси Питмат Скотт Мейчел ҳамда Ўзбекистонлик Бэлла Орзиева таъсис этишган. Мазкур корхона асосан аграр соҳада фаолият юритиб, деҳқончиликнинг интенсив маҳсулотларини етиштириш ва энг муҳими уларни қайта ишлаш билан шуғулланади.

Айни вақтда вилоятда давлат рўйхатидан ўтган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони 44 тани ташкил этади.

Бу нафақат юзлаб янги иш ўринларини яратиш, балки зарур хорижий техникаларни ўрнатиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳаллий кадрлардан мутахассислар тайёрлаш, хорижга Ўзбекистон тамғаси билан турли саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш имконини ҳам беради.

**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Андижон вилояти

## ТЎҚҚИЗАРИҚДА ЯНГИ ЙИЛ ВА НИКОҲ ТАНТАНАЛАРИ

***Андижон шаҳридаги Тўққизариқ маҳалласида Янги йил тантаналари никоҳ маросими билан қўшилиб кетди. Шу маҳаллада ногиронлар оиласида туғилиб, камолга етган йигитнинг никоҳ тўйини Ғуломҳожи Юсупов ўз маблағи ҳисобига ўтказиб берди.***

Бундан сал олдинроқ фахрий педагог Абдулазиз Қўшақов маҳалладаги серфарзанд оила қизининг узатилишига бош-қош бўлганди. Ҳар иккала тўй ҳам маҳалла аҳлининг шижоати билан жуда ҳам чиройли ва жозибали ўтди.

— Албатта ҳар бир жойда ўзининг оқсоқоллари, обрўли кишилари бўлади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саминжон Нормуҳамедов. — Фаолларимиздан Раҳматилло ота Аҳмедов, Мирзажонҳожи Мадаминов, Сирожиддин ота Ҳайдаров ва бошқалар барча ишларимизда маслаҳатгўйдирлар. Уларнинг раҳбарлигида маҳалламиз гузарида ёшларнинг базм кечаси бўлди. Кеча Янги йил байрами тантаналарига уланиб кетди. Мазкур оқшом маҳалламизнинг ҳар бир фуқароси учун эсда қоларлик бўлди.

Вилоятнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидаги маҳаллаларда ҳам Янги йил тантаналари зўр шоду ҳуррамлик билан ўтди. "Президент арчаси" тантаналарида ҳам минглаб меҳрга муҳтож қалблар қувончга тўлди.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

# ОДАМ — ОЛАМ САРВАРИ

**Янги — 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши рамзий бир маънони ифода этади. Зеро, мазкур ташаббус Меҳр ва мурувват йилини, қолаверса ўтган йилларни мазмунан тўлдиради, мантиқан бойитади.**

***Ҳар бир йил олдига қўлами кенг мақсадлардан режалар, тадбирлар, дастурлар белгиланиб, фуқаролар турмушини яхшилаш, инсоннинг қадрини улуғлашга хизмат қилиб ҳоримайдиган талаблар қўйилмоқда, дея оламиз бу кез. Ана шу инсонпарварлик ғояларини маҳкам тутган юртимизнинг, давлатимизнинг эзгу ишларидан сўзлагувчи ҳаётбахш ташаббусларидан биридир мазкур битик.***

Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Бизга эски тузумдан ҳар томонлама заиф, бир ёқлама ривожланган, бошқаларга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб, ўлкамиз асосан арзон-гаров хомашё етказиб берадиган ҳудудга айланиб қолганини барчамиз биламиз", — дедилар.

Ана шу хомашёни етказиб бериш бош масала бўлиб, уни тайёрлагувчи меҳнаткаш қўллари қадоқ бўлса бўлди-ю, турмуш тарзи деярли яхшиланмади. Биз ана шу эски деб атаётган тузумнинг асоратидан яхшигина азият ҳам чекдик. Болаларни опичлаб оналар далада кетмон чопдилар, танида ҳомиласи бўла туриб, фартук боғлаб пахта тердилар. Пахтадан тонналаб хирмон уюш бош мақсад эди, ғўзалар устидан кимёвий доридармонлар сочилганда қадди эгик пахтакор далада бўлар эди. У заҳарланган ҳаводан нафас оладими, заҳри қотилга айланиб оқаётган ариқ сувидан ташналигини қондирадими, ҳеч кимнинг парвосига келмади. Чунки у замонлар ёлғон ваъдалар ва шиорларга қурилган шўролар даври эди. Натижада касалликдан ранги сарғайган, қадди дол меҳнаткаш онанинг камқонликдан касалманд фарзанди, ҳатто ногирон бўлиб қолганидан додини айтарга бир дардхона излаганлари кам бўлдими?! Мен Сирдарё вилояти Мирзаобод туманилик Абдураҳмон Курбоновнинг иш вақтида ўсимлик зараркунандаларига қирон келтирадиган кимёвий дорилар сақланган бочкага оёғи тойиб йиқилиб тушганини, қаттиқ заҳарланганини биламан. Лекин ҳеч ким, ҳеч бир раҳбар, ҳеч бир ташкилот оддийгина ишчининг ҳимояси учун узатган оёғини йиғмади. Ўз соғлиғидан ажралиб, ногирон бўлиб қолган Абдураҳмон ака лоақал ажратилган нафақасини йиллар давомида ола олмай сарсон-саргардон юрди. Истиқлолга эришгандан сўнг инсон қадри улуғланиб орадан ўн йил ўтиб ўша ситамгар жабрланувчига нафақа ундирилганининг гувоҳи бўлганман. Балки у ўз нафақасини олар, аммо унинг йўқотган соғлиғи ўрнини тўлдириб бўлармикан?! Мазкур заҳарланишдан нафақат унинг ўзи, балки зурриёди ҳам жабр кўрганига не дейсиз? Бундай зарарни қанча нафақа билан қоплаб бўларкин, ақлга сиғмайди!

Лекин бугун Истиқлол эпкинлари армонларимиздан сўзламоқда, улар қолдирган доғлардан фориғ келажак бугун яралмоқда. Юртбошимиз "Қиладиган ишларимиз ҳали кўп" деганларида ёруғликка интилган чорраҳалардаги умидларимизни назарда тутадилар.

Ўзбекистон тарихи салномасига "Меҳр ва мурувват йили" деб кириб бораётган 2004 йилни ҳам юртимизнинг инсон манфаатларини улуғловчи юрт эканлигини кўрсатган даврларидан бири дейиш муболаға эмас. 365 миллиард сўм меҳр ва мурувват учун сарф бўлганлиги амалга оширилган юмушлар салоҳияти, моҳиятидан сўзлаб турибди. Тарихга битилар мурувватлар бисёр, қўлами кенг, қўли ва қадами ҳам узундир. Меҳр, мурувват бесарҳад, беқиёс, бесаноқ. Унинг карвони узундан-узун, давомлидир: 1 минг 580 нафар фуқаронинг уй-жойи, 2 минг 100 та маҳалла гузари, 275 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳомийлар маблағидан оёққа турғизилди, маҳаллалар ободонлаштирилди... Биргина йилда кўрсатилган меҳрнинг қай бирини айтамиз?! Юртимизнинг, давлатимизнинг эса инсонпарварликдан сўзлаётган дастурлари давом этаверади. Бугун 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили дея эътироф этилиши мазкур олижаноб ғояларнинг мантиқан давомидир. Юртбошимиз Ислом Каримов "... соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади", — дея кўзлаган муродимиз йўлидаги хизматларимизни саломат танда соғлом ақл билан амалга ошира олишлигимизни эътироф этдилар.

Бугун эса республикамизнинг қай ҳудудида бўлмасин, врачлик пунктлари қад ростлаган, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган "Тез ёрдам" ҳамиша биринчи ва энг зарур тиббий муолажа беришга шайдир. Қолаверса, мазкур тиббий ускуналар кун сайин купайгандан кўпаймоқда ҳамда минг дардга даво бўладиган техника билан тиллаша оладиган ва бу йўлда хатоликка йўл қўймайдиган малакали мутахассисларга талаб кучайиб бораверади. Мазкур янги Сиҳат-саломатлик йили деб номланаётган йилда ана шундай қутлуғ вазифалар янада жадаллашади. Янги йилнинг бўлажак сиҳат-саломатлик дастури мазкур йўналишда ҳам қобилиятлиларга янада кенг имкониятлар очишига бир дебочадир. Тиббий изланишлар йўлидаги олимларимизнинг ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини амалга татбиқ этишга кенг йўллар очилиб инсон умрига, соғлом турмуш тарзига хизмат этажак оламшумул янгиликлар, турфа ихтиролар дунё юзини кўришига умид боғлаймиз.

Инсон қадри-қиммати устивор бўлган юртнинг келажаги порлоқ, кўзлаган мақсади улуғдир. Бугун давлатимиз яна фуқаролар саломатлигини азиз билган ишлар учун бисёр режалар тузмоқда. Соғлом халқ, соғлом миллатнинггина буюк ишларга қодирдирлиги маълумдир. Жаҳон ҳамжамияти олдида кун сайин нуфузи ошиб бораётган юртимизнинг Ватан равнақи, халқ фаровонлигини юксалтиришга лойиқ соғ ва саломат, баркамол авлодлари соғлом турмуш тарзида улғайиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги тиббий хизмат эса ана шу катта талабларга жавоб бера оладими? Яна нималарни амалга ошириш керак? Биз қабул қилинаётган дастурдан бунёдкорлик ва яратувчилик саъй-ҳаракатларининг самарали бўлишини кутамиз.

**Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА**

Қорақалпоғистон Республикаси

## САХОВАТНИНГ САРҲАДИ КЕНГДИР

***Ўтган йил охирида Хўжайли туманида истиқомат қиладиган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга, 1- Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига катта миқдорда инсонпарварлик кўмаги кўрсатилди. 350 нафарга яқин тарбияланувчилар, 120 оилаларга 19 миллион сўмлик кийим-кечаклар, пойафзаллар тарқатилди.***

Бундай меҳр-мурувват миссияси Қорақалпоғистон Республикасининг 14 та туманлари, Нукус ва Тахиатош шаҳри аҳолисига, ногиронлар жамиятларига, махсус мактаб-интернат, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига етиб борди. Умуман ноябрь, декабрь ойларида жами 5600 одамга 24 турдаги 22413 дона турфа хил кийим-кечаклар, пойафзаллар тарқатилди.

Ўтган йилда энг салмоқли ҳисобланган мазкур инсонпарварлик ёрдами Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташаббуси ва Корея республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширилди. Кийим-кечаклар эса Кореянинг "Onnuri Wtldare Organizion" (Оннури Вэлфайр Организэшйн)ташкилоти ҳисобидан олинди. Умумий қиймати 400 минг АҚШ доллари бўлган ёрдам юклари Нукус шаҳрига автомашиналарда келтириб тарқатилди. Бу борада Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиали ходимлари жонбозлик кўрсатгани таҳсинга лойиқдир.

**Асилбек ИСКАНДАРОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 4 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 820,54 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2014,89 |
| 1 Дания кронаси | 191,22 |
| 1 БАА дирхами | 288,25 |
| 1 АҚШ доллари | 1058,63 |
| 1 Миср фунти | 176,14 |
| 1 Исландия кронаси | 17,08 |
| 1 Канада доллари | 877,00 |
| 1 Хитой юани | 127,91 |
| 1 Малайзия ринггити | 278,62 |
| 1 Польша злотийси | 349,67 |
| 1 СДР | 1638,59 |
| 1 Туркия лираси | 787,09 |
| 1 Швейцария франки | 919,03 |
| 1 ЕВРО | 1421,85 |
| 10 Жанубий Корея вони | 10,20 |
| 10 Япония иенаси | 102,71 |
| 1 Россия рубли | 38,15 |
| 1 Украина гривнаси | 199,54 |

**Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Жиззах вилояти

## ЮРТНИНГ ҚУВНОҚ БОЛАЛАРИ

***Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳам янги — 2005 йилнинг тантаналари бўлиб ўтмоқда. Жиззах шаҳрининг Истиқлол майдонига ўрнатилган улкан арча атрофидаги томошалари эса байрамга файз киритмоқда.***

Вилоят "Маҳалла" марказида "Президент арчаси" томошаларидаги совғалар эса болаларни беҳад қувонтирди. Тантанада вилоят Мурувват уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандларига Юртбошимизнинг совғалари топширилди. Санъаткорлар эса куй ва қўшиқлар ижро этдилар, болажонлар шеърлар ўқишди, қорбобо ва қорқиз билан рақсга тушишди, хуллас аъло кайфият бағишлади. Мазали байрам таомлари барчани хушнуд этди.

Ҳали Янги йил байрами тантаналари вилоятнинг барча маҳаллаларида, ҳудудларида давом этаверади.

## МАҲБУБА ОПАНИНГ МАЪМУР МУРУВВАТИ

***Ангрен шаҳрининг Соғлом деб аталмиш маҳалласида Маҳбуба Эшонқулованинг ҳурмати баланд. Зеро, Маҳбуба кўрсатаётган мурувват ана шу меҳрдан, оқибатдан сўзлайди. Бугун нафақат маҳалладошлар, балки шаҳарликлар ҳам баҳраманд бўлаётган ишларнинг кўлами кенгайиб бораётир.***

Аслида уч йил аввал "Эшонқул" деб аталган фермер-хўжаликни ташкил этган Маҳбуба опа кўплаб маҳалладошларини иш билан таъминлади. Хўжалигидаги 7 гектар ерга экилган картошкадан ҳамда, 3 гектарлик ғаллазордан ҳосил мўл бўлди. Қолаверса 30 бош бўрдоқи, 12 бош соғин сигир парваришланиб, шаҳардаги 12 та боғча, 2 та Меҳрибонлик уйларига сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб берилмоқда. 80 минг сўмлик ўқув қуроллари мактаб ўқувчиларига тақдим этилгач, болажонлар қувончига қувонч қўшилди. Маҳбуба опанинг Янги йилда ҳам режалари катта. Опа маҳаллада спорт майдончаси ҳамда бичиш-тикиш ва этикдўзлик билан шуғулланувчи устахона очишни режалаштирмоқда.

Маҳалла аҳли, фермер хўжалиги ишчи ва хизматчилари "Mahalla" газетасининг ҳар бир сонини мароқ билан ўқишларини таъкидлашди. Фермер хўжалиги раҳбари кўпгина маҳалладошларига газета ўқиш имконини ҳам яратди.

**СУРАТДА: Соғлом маҳалласи оқсоқоли Абдумўмин Сафаров, маҳалладош Қуролбой Эшонқулов ҳамда Маҳбуба Эшонқуловалар севимли рўзномаларининг эндигина ёруғлик юзини кўрган сонидаги мақола хусусида баҳслашишмоқда.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

Тошкент вилояти

## МАҲАЛЛА РАМЗИЙ ҚЎРИҚХОНА

**дейди Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ортиқбой Абдуллаев.**

***Вилоят ҳудудига туяқушларни олиб келган ва жайронлар учун шароит яратиб, симтўрлардан ўзига хос қўриқхона ташкил этган табиат жонкуярлари бу борада эришган ютуқларининг асосий йўналишларини маҳаллалар фаолияти билан боғламоқдалар. Чунки маҳалланинг нуфузи кун сайин ошаётган бир пайтда у ўз зиммасидаги вазифани катта ишонч билан оқлаётир.***

Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш бутун инсоният олдидаги долзарб масалалардан бири. Ана шундай бир пайтда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари маҳаллалар билан ҳамкорликда атмосферанинг мусаффолигини сақлашга эришиш бўйича иш олиб бормоқдалар. Қўмита ҳамда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими саъй-ҳаракати билан 80 километр узунликдаги зовур ва дренаж тармоқлари реконструкция қилинди. 85 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

— Режадаги вазифаларни бажариш учун биринчи галда маҳаллаларга мурожаат қиламиз. Уларнинг кўмагига таянамиз, — дейди қўмитанинг табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш бўлими бошлиғи Абдураззоқ Тайлоқов. — Айниқса, бундай ҳамкорлик Ғаллаорол — Маржонбулоқ саноат зонасида табиатни муҳофаза қилиш бўйича таҳлилий лойиҳани ишлаб чиқишда қўл келди. Бу иш учун мутасадди ташкилотлар 550 минг сўм маблағ ажратишди. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 4 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу борада қўмитамиз маҳаллалар билан ҳамкорликда жуда кўп ишларни амалга ошираётган бўлсада, таассуфки, ҳали ҳам орамизда табиатни муҳофаза қилиш талабларига амал қилмаётган, унга беписанд муносабатда бўлаётган кишилар учраб турибди. Биз жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 112 та ана шундай нохуш ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик ва уларга нисбатан қатъий чоралар қўллашга мажбур бўлдик. Тўғри, чора кўриш, жарима белгилаш осон, бироқ бу билан мақсадимизга эришолмаймиз.

Ҳа, Абдураззоқ ака айтганидай табиатга қилинаётган зуғумнинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Баъзида кўра била туриб оқар сувга ахлат ағдараётган, кузги хазонларни тутатиб, атроф-муҳитни заҳарлаётган, ўзларининг қинғир ишлари билан табиат бойликларига катта зиён етказаётган кишилар наҳотки ўзининг, фарзандларининг эртанги куни учун хавф туғдираётганларини англаб етмасалар?! Менимча, бу борада фақатгина масъул ташкилотлар, мутасадди идоралар ходимлари эмас, балки маҳаллалар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам фаолроқ бўлсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Андижон вилояти

## БИР ГУЗАР БЎЛДИКИ...

***Навоий номли ширкат хўжалиги раиси Солижон Исмоилов чорвачилик фермасидан чиқиб, энди кетишга чоғланаётган эди ҳамки, уни Деҳқонобод маҳалласи фуқаролар йиғини фаолларидан бири Абдумалик Шамсиев тўхтатиб қолди.***

— Раис бува, — деди у босиқлик билан. — Мана, ўзингиз неча йилдан бери шу хўжаликка раҳбарсиз, кўп яхши ишларга бош бўлдингиз. Энди бизнинг маҳаллага ҳам ободончилик ишларида бош қўшсангиз яхши бўларди.

— Хўш-хўш, маҳалладан ҳам юрагида ўти борлар чиқар экан-ку. Мен ниҳоятда хурсандман, — деди раис. — Аммо маслаҳат бериш, фикр билдириш яхши, аниқ бир ишнинг этагидан тутиш бошқа гап. Сизда бирон-бир қатъий таклиф борми?!

— Мана, ўзингиз чойхонанинг аҳволини кўриб турибсиз. Қишда совуқ, лой, ёзда чанг. Мана шу ерга биз ҳам бошқалардек бир гўзал гузар бунёд этсак... Гузаримизнинг асосий биноси — қишлоқ врачлик пункти учун бино тайёр, — деди Абдумалик ака. — Мана шу чойхонанинг орқасидаги бино анча йиллардан буён бўш ётибди. Қолган тижорат дўконлари, новвойхона, сартарошхона каби биноларни қуришни халқнинг ўзига қўйиб берасиз. Биз бунинг уддасидан ўзимиз чиқамиз.

Раис Абдумалик аканинг бу сўзлари кўпчилик ўртасида пишитилган аниқ режалар эканлигини тушуниб етди ва бу ташаббусни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Раис ана шу суҳбатдан кейин қурилиш бригадасининг бошлиғи Сотиболди Қурбоновни топтирди. Маҳаллада бўлиб ўтган гапларни унга айтиб, туман меъмори билан маслаҳатлашган ҳолда Деҳқонобод маҳалласи учун қуриладиган гузар лойиҳасини тайёрлашни буюрди. Лойиҳа бир ҳафтага қолмай ширкат хўжалиги, маҳалла фаоллари муҳокамасига қўйилиб, тасдиқланди.

Энг аввало эски чойхона бузиб ташланди. Унинг атрофидаги майдонлар тозаланиб, қурилиш учун тайёрланди. Бошқа қурилишларни меҳнаткашларнинг ўзлари бажаришди. Маҳалланинг Абдурашид Каримов, Муталлибжон Ҳурбоев, Акмалжон Солиев, Мўминжон Содиқов каби фаоллари ана шу қурилиш ишларини ташкил этишга ёрдам бердилар.

Хўжалик гузарнинг умумий майдонини текислаш, режалаштириш ва асфальтлаштириш ишларини олиб борди. Шундай қилиб қисқа муддатда туманнинг йирик маҳаллалардан бири бўлган Деҳқонободда замонавий гузар барпо этилди. Тижорат дўконлари, қассобхона, новвойхона, маиший хизмат нуқталарини маҳалла аҳолиси ўз маблағи ҳисобидан бунёд этди. Маҳалла аҳолиси ободонлаштириш ишларида бажонидил қатнашди. Хўжалик эса янги гузарни бунёд қилишга ўзининг 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағини сарфлади.

Маҳалла аҳли 26 декабрь — Олий Мажлис ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда ушбу замонавий ва кўркам гузарда ўзларининг муносиб номзодлари учун овоз бердилар.

**У.САКСОНБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Хотира

***Ўзбек халқ оғзаки ижодига, халқ поэзияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк бахшилардан бири Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкандир.***

# ХАЛҚ БАХШИСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Пўлканшуносларнинг таъкидлашларича, Пўлкан бахши ҳайратомуз қувваи ҳофиза ва хотира қувватига эга бўлган. Бахшининг эпик репертуари ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлиб, етмишдан ортиқ достонни ёд билган ва мароқ билан куйлаган.

Пўлкан бахши халқ достонларини куйлаш билан бирга ўзи ҳам кўплаб достонлар ва термалар яратган.

Бугун адабиётимизда "Пўлкан сулоласи" деган ибора мавжуд. Бахшининг зурриёдлари — Умарқул Пўлкан, Амирқул Пўлкан, Саодат Пўлканова, Мақсуд Пўлканлар буюк бахши ижодининг давомчилари бўлиб, шеъриятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшдилар ва қўшиб келмоқдалар.

Пўлкан бахши 1874 йилда ҳозирги Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани Жизмонсой маҳалласидаги Қатағон қишлоғида туғилган.

Ул зотнинг 100 йиллик тўйи муносабати билан 1984 йилда ҳукуматимиз томонидан ўрнатилган ҳайкал Навоий вилояти Хатирчи тумани Олтинсой ширкат хўжалиги марказида қад кўтариб турибди.

Бу йил буюк бахши-шоирнинг таваллудига 130 йил тўлди. Шу муносабат билан Пўлканнинг киндик қони тўкилган она қишлоғида хайрли иш амалга оширилди. Пўлкан шоир номи билан аталувчи 74-мактаб ҳовлисига мактаб директори Маҳмасоли Абдусаломов ташаббуси билан ва қишлоқ ёшлари ҳомийлигида бахшининг бюсти ўрнатилди.

Жизмонсой маҳалласи аҳли бу хайрли ишнинг ташаббускорларидан, хусусан, мактаб директори Маҳмасоли Абдусаломовдан, шижоатли ёшларимиз — Фахриддин Исаев, Одил Бойманов ва Нормамат Каримовлардан ниҳоятда миннатдордирлар.

Жизмонсойлик ёшлар бунёд этган бу ёдгорлик буюк бахшининг руҳи покларига ҳурмат ва эҳтиром ифодаси ва 130 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

## ТАКЛИФ ҚОҒОЗИ

***Оташнафас бахшилари бор элда***
***Дўмбиранинг дилбар сози таралар.***
***"Алпомиш"ни тингламоқчи бўлсангиз***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

***Темир туёғидан олов сачратиб***
***От чоптирар Гўрўғлидай тўралар.***
***Гўрўғлининг Гиротини мингани***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

***Минг йилда бир туғилади даҳолар,***
***Сулувлар ҳам минг йилда бир яралар.***
***Сиз бугунги Барчинойни кўргани***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

***Жизмонсойни оппоқ тонгдан қизғаниб***
***Қуёш тоғнинг кемтигидан мўралар.***
***Жамолини хўб томоша қилгани***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

***Оқтовнинг мард чўпониман дегани***
***Ширбоз қўйнинг семизини саралар.***
***Ҳеч бўлмаса битта ширбоз жегани***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

***Юрагим сўз қатор менга депсиниб,***
***Бу дунёда ҳар бир ишинг сўралар.***
***Келмасангиз кўнглим турар ўксиниб,***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

***"Муштарий"нинг даврасига қўшилинг,***
***Шеър эшитиб, ипакдайин эшилинг,***
***Пойгадаги Қоражондай шошилинг,***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

***Тугамасин бу дунёнинг қўшиғи,***
***Очиқ тургай кўнгилларнинг эшиги,***
***Буюк Пўлкан бахшимизнинг бешиги —***
***Жизмонсойга бир келинг-ей, жўралар.***

**Ҳасан АЛМАТОВ**

Бир маҳалла таърифида

**Сурхондарё вилояти**

# ЭЗГУЛИКНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

*** Кўриклар ўтказилмоқда, унинг самараси ҳам бор.**
*** САІР — яқин ҳамкор.**
*** Бўш бинолар маҳаллага берилса...**

***Олтинсой туманида бўлганимда Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Зиёдулла Очилов мени Қумпайкал маҳалласига бошлаб борди.***

— Маҳалла оқсоқоли Фахриддин Шукуровдай бўлса, — дейди ҳамроҳим йўл-йўлакай. — У ўз вазифаси масъулиятини юракдан ҳис қилади. У раис бўлгандан буён маҳаллага файз кирди, барака ёғилди, дейишади кексалар.

Турнақатор ҳовли жойлар саранжом-сариштa. Маҳалла идораси шинам бинода жойлашган экан. Оқсоқол Фахриддин Шукуровни иш устида, йиғин ходимлари билан "Энг ибратли оила" кўрик-танловини ўтказиш хусусида фикр алмашиб ўтирган пайтда учратдик.

— Ушбу кўрик-танлов йил давомида уюштирган тадбирларимизнинг тўртинчиси, — деди Фахриддин ака. — Йил бошида уч авлод учрашувини ташкил этган эдик. Унда нафақат маҳаллада, балки Қорлиқ ширкат хўжалиги ҳудудида умргузаронлик қилаётган обрўли оила саркорлари, нуроний отахонлар ва онахонлар иштирок этишди. "Балли қизлар!" кўрик-танлови ҳам анча қизиқарли, мазмунли ўтди. "Энг ибратли оила" кўрик-танловини ташкил этишимиз ҳам ижобий натижага эга бўлди. Бу орқали икки мингдан ортиқ фуқаро истиқомад қилаётган 435 хўжаликдаги 502 оилани кўздан кечирдик, турмуш шароити билан янада яқинроқ танишдик.

Ҳа, маҳалла оқсоқоли Фахриддин Шукуров зиёли, маърифатпарвар йигит. Қишлоқда ичимлик суви муаммо эди. Оқсоқол бу ишда аҳолининг ёрдамига таянди. Улардан икки юз минг сўмга яқин маблағ йиғилди. Ишламай турган артезиан қудуғига янги мотор ўрнатилди, қувурлари алмаштирилди. Яна ер қаъридан отилиб чиққан зилол сув хонадонларга етиб борди. Қудуққа ўрнатилган ускуналарнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш учун эса алоҳида электр устаси жалб этилди. Унга маҳалла ҳисобидан маош ажратилмоқда.

Маҳаллада битта умумтаълим мактаби фаолият юритади. Аммо масканни қиш мавсумида иситиш қийин кечарди. Синфхоналарнинг совуқлигидан ўқувчилар азият чекарди.

Муқаддам мактабда ишлаган, ўқитувчилик қилган оқсоқол бу ҳолдан хабардор эди. Америкалик ҳамкорлар бу ўринда ҳомийликни ўз зиммасига олди. Фахриддин Шукуровнинг тинимсиз саъй-ҳаракати туфайли маҳаллани газлаштириш масаласи Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури (САІР) лойиҳасидан ўрин олди. Унга тўрт ярим миллион сўм пул ажратилди. Маҳалла аҳли ҳам четда турмади. Газ қувурларини ўрнатиш, узоқ манзилдан ташиб келтиришга кўмаклашди. Иш изчил давом этди. Натижада олти ойда тўрт юздан ортиқ хонадонда зангори олов порлади. Ўқувчи-ёшлар иссиқ синфхоналарда таълим олиш имкониятига эга бўлишди.

Америкалик ҳамкорлар билан навбатдаги лойиҳа ишлаб чиқилди. Қишки спорт маркази қурилишига олти миллион сўм маблағ сарфланди. Қорлиқ ширкат хўжалигига қарашли ташландиқ клуб биноси янгича қиёфага кирди. У спорт мусобақалари ўтказишга мослаштириб қайта қурилди. Ҳозирда бу ер маҳалланинг ёш спортчилари билан доим гавжум.

Маҳаллада амалга оширилаётган ободончилик ишларининг ҳам кўлами кенг. Ўтган йили фуқаролардан ўндан ортиғига томорқа ерлари ажратилди. Янги уй-жойлар қурилди, ҳовли тўйлари ўтказилди. Ҳашар йўли билан бир минг икки юз метр узунликдаги кўчага шағал ётқизилди. Маҳалла кўчаларидаги симёғочларга ёритгич ускуналар ўрнатилди. Айтиш жоизки, Қумпайкалда амалга оширилган ушбу хайрли ишлар билан бир қаторда баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Қорлиқ ширкат хўжалигига қарашли харобага айланган айрим бинолар бўм-бўш ётибди. Улардан фойдаланиш хўжалик раҳбарларининг хаёлига келмаяпти.

Бунинг устига, биноларни маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига беришни ҳам улар ўзларига эп кўрмаётганлигини қандай тушунмоқ керак?! Ҳолбуки, маҳаллада ишсиз юрган кишилар сони анчагина. Бинода корхоналар ташкил этилса, аҳоли фойдали меҳнат билан банд бўлса, нур устига аъло нур бўлмайдими? Яратилган ишчи ўрнидан маҳалла йиғини билан бир қаторда ширкат хўжалиги ҳам манфаатдор бўлади-ку! Шундай экан, оқсоқолнинг ташаббусини табриклаш, қолаверса, уни рўёбга чиқаришга амалий ёрдам бериш ўринли бўларди.

**Омон ШУКУРОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

**Тошкент шаҳри**

# "МУСАЖОНДАН МИННАТДОРМИЗ"

## дейишмоқда миришкорлик маҳалладошлар

***Маҳалла йиғинига раислик қилиш — катта масъулият. Бу вазифага муносиб кишини сайлаш маҳалла аҳли ихтиёрида. Албатта, оқсоқол ўз фаолиятини бошлагач, ҳадеб унга маслаҳат бераверииш, ишига аралашавериш ҳам ножоиз. Лекин шундай оқсоқоллар борки, уларнинг қилаётган ишлари, ташаббуслари айнан маҳалла аҳлининг кўнглидаги тадбир бўлади. Шу боис ҳам маҳалла аҳли унга эргашади, сафарбар бўлади.***

Бектемир туманидаги бизнинг Миришкор маҳалламиз оқсоқоли ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Оқсоқолимиз Мусожон Сафаров, ҳам халқона тил билан, ҳам маҳалламиз номига монанд айтадиган бўлсак, миришкор инсон. Қайси ишга бош қўшмасин, ўша иш битмай қолмайди. У оқсоқоллик фаолиятини бошлаганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлсада, бу даврда маҳаллада қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, маҳаллада эзгу ишларга иштиёқманд, хайрли ташаббусларни қўллаб-қувватловчи инсонлар сафи кенгайди, хонадонлар, кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Фуқаролар йиғини биноси қайта таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этди... Айни кунда ҳам оқсоқол халқ ҳаёти фаровонлиги, қонунларнинг амалда тўлиқ бажарилиши йўлида тинмай меҳнат қилмоқда. Мусажон ака бошчилигида маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногирон ва яккаёлғиз инсонларга меҳр ва мурувват кўрсатилмоқда.

**Абдуқодир ЕГЕМҚУЛОВ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**

# ШОББОЗНИНГ ШОВВОЗЛАРИ

***Беруний туманида жойлашган Шоббоз овул фуқаролар йиғини фаолиятида кейинги пайтларда муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунинг боисини овул аҳлининг хоҳиш ва иродаси билан йиғинга раис этиб сайланган ёш ва серғайрат инсон Шавкат Собуровнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги билан изоҳлаш мумкин.***

— Йиғин ҳудудида 12 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди оқсоқол. — Ҳозирда уларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган аниқ дастурлар асосида фаолият олиб бораяпмиз. Шунингдек, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш бугунги кунда ҳар биримизнинг долзарб ва айни пайтда кундалик вазифамизга айланган. Шу боис, фуқаролар йиғининнинг посбонлар сардори ва профилактика нозирлари билан ҳамкорликда овулда кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Шу билан бирга 77 нафар жамоатчи вакилларимиз ҳам бу борада бизга мададкор. Турли касб эгаларидан иборат бу кўнгилли гуруҳ ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳушёрликни қўлдан бой бермайдилар.

Овулда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан турли хайрли ишларни амалга оширилди. Ҳудудда яшовчи 7 нафар боқувчиси бўлмаган ёлғиз кишилар овул оқсоқоли ва фаолларининг эътиборидан четда қолмади. Уларга байрам ва бошқа тадбирларда турли совға-саломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар тарқатилди, ҳолидан хабар олинди.

Тўй ва маъракалар, турли йиғинларни исрофгарчиликларсиз, камчиқим ва тартибли ўтказиш борасида ҳам овулда олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Бу масалада овулнинг ёшуллилари, оқсоқоллари ва фаолларининг ёрдами катта бўляпти.

Дунёнинг турли бурчакларида содир этилаётган террористик ҳаракатлар, мудҳиш ҳунрезликлар айни пайтда барчамиздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашни тақозо этмоқда. Шоббоз овул фуқаролар йиғинида ҳам "Огоҳ бўл!", "Ҳушёрлик — давр талаби", "Осойишталикни таъминлаймиз!" деган шиорлар остида ўтказилаётган турли тадбирлар, давра суҳбатлари ана шундай мақсадга қаратилган.

Ҳа, юртимизнинг бугунги тинч ва осойишта кунлари қадрига етиб яшашга не етсин... Бу борада ана шундай туйғуларни кўнгилларига жо қилиб яшаётган Шоббознинг кексаю ёш одамларига ҳавас қилса арзийди...

**Собир ҚОЗОҚОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Суддан сўнг...

# ҚАҲРГА УЧРАГАН ҚАҲР

**Очилой эри Жумабойнинг жони-ҳолига қўймасди. "Қанақа меҳри қаттиқ отасиз. Ўғлимиз йўқолса-ю, узатган оёғингизни йиққингиз келмайди" деб роса кўз ёши тўкди.**

— Нима қил дейсан, ахир? Юргандир, дарбадарлик жонидан ўтса кириб келар.

— Вой анави кишини, кириб келар эмиш. Ўзи келади деб қараб ўтиравермизми? Туринг, милицияга учрайлик, қариндош-уруғларникини суриштирайлик. Бечора боланинг аҳволи не кечди экан-ей.

Эр-хотиннинг ади-бадиси устига Жумабойнинг ота-онаси келиб қолишди.

— Тўғри айтади келин, қанақа бағри тош отасан. "Ўзи келар" эмиш. Келмаса-чи? Чиқ, жўна, набирамни топиб келмагунингча қорангни кўрмай бу ерда сени...

Эр-хотин ўзлари яшайдиган Чироқчи тумани милиция идорасига бориб ўғиллари уч кундан буён уйга келмаганини, ҳабар қилиб уни топишда ёрдам беришларини сўраб, ариза ёзишди. Сўнг узоқ-яқиндаги баъзи қариндошларинкидан хабар олишди. Аммо Ҳалимдан хабар топилмади. Очилой ўғли ўқийдиган мактабга ҳам бориб "Ойлик олишни биласизлар-у, боланинг йўқолганига парво ҳам қилмайсизлар" деб ўқитувчиларни оғзига келган ҳақоратлар билан роса савалади.

Кунлар ўтган сайин Очилойнинг безовталиги кучайди. Унинг оёғи милиция хонасидан узилмай қолди. "Узоқроқда бир момо бор, зора боланинг қаердалигини айтиб берса", деб участка вакилини олиб Шаҳрисабзга жўнади. Аммо ҳеч натижа чиқмади. Яна икки-уч кун ўтгандан кейин Очилой милициядагиларга "Ҳалим Шаҳрисабзда яшайдиган акамникида бўлиши мумкин" деган фикрни билдирди. Ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари ҳамда тезкор вакил Очилой ҳамроҳлигида дарҳол қўшни туман томон йўл олишди. Бу ерда фикр анча чувалашди. Очилойнинг акаси милиция ходимларидан уларни якка қолдиришни илтимос қилди. Ака синглисининг пайдарпай сўзларию, кўз ёшларидан бу ерда қандайдир сир яширинганлигини пайқади. Илгари ўғирлиги ҳамда ахлоқсизлиги туфайли икки бор судланган синглисининг қўлидан ҳар қандай жирканчли иш келишига ишонарди. Шу боис милиция ходимларидан "калаванинг учини" синглисидан қидириш лозимлигини яширмади. Энди воқеанинг аввалини тингланг.

...Жумабой нонуштадан кейин томорқадан ўриб олинган буғдойни янчтириш ниятида техника қидириб кетганича кеч шомда уйга ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. Қарасаки, сигир билан бузоқнинг қорни қовурғасига бориб ёпишган, тинимсиз маърашарди. Бу жониворларга бир ҳовуч емиш ташлайдиган, бир пақир сув тутадиган одам топилмагани Жумабойнинг фиғонини ошириб юборди. Хотинига таъна тошларини отиб, уч-тўрт бор елкасига туртди. "Кап-катта бола, сен нега қарамадинг" деган дўқ-пўписадан чўчиган Ҳалим яланг оёқ кўчага қочди. "Сен ҳам жўна, текин томоқлар" дея эр хотинини ҳам қувиб солди.

— Очилой Ҳалимни мактаб стадиони олдида учратди. "Ўлиб кетсин отанг, ўша моллари билан қўшмазор бўлсин. Юр, болам, ҳали унинг кўзига кўрсатамиз" дея Ҳалимни ўз ортидан эргаштирди. Шу пайт ўгай она дилида қандай разиллик кечганини, шайтон уни не куйларга солганини қаёқдан ҳам билсин, норасида гўдак.

Она-бола Додиқ қишлоғидан "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг марказигача пиёда келишди. Сўнг йўлдан ўтаётган машинани тўхтатиб, Чироқчи шаҳри марказига етиб олишди. Бечора бола ота ғазабидан қутқарган, онасининг ғамхўрлигидан мамнун, унга эркаланар, баъзан қучиб юзларидан ўпарди. Очилой эса атрофга олазарак боқиб эридан ўч олиш, аламидан чиқиш, ғараз мақсадини амалга ошириш учун қулай жой ва фурсат изларди. Улар Чироқчи—Қарши асфальт йўлига чиқиб узоқ юришди. Сўнг канал бўйлаб, қоронғи ва одам юрмас кўчага бурилишди. Ҳалим аҳён-аҳёнда онасидан қаёққа боришаётганини сўраб саволлар берар ва ҳар сафар мен сени "жаннатдек маконга элтаман, болам, кўриб хурсанд бўласан" деган жавобни эшитарди. Улар каналга ўрнатилган кўприкдан ўтиб, девори ағанаб, ҳувиллаб ётган чакалакзорда тўхташди. Очилой кутилмаганда темирдек қаттиқ ва кучли қўлларини ишга солиб, жонжаҳди билан Ҳалимнинг бўйнидан бўғди. Гўдак хириллаган ҳолда узоқ типирчилади ва кўп ўтмай унинг жонсиз қўллари шалоплаб икки томонга тушди. Очилой ўзини бироз йўқотиб ва гангиб жасад олдида узоқ ўтирди. Сўнг уни кўтариб шу атрофдаги чиқинди ташланадиган ўрага ирғитди.

У келган йўли бўйлаб орқага қайтиб, турли ўйлар билан тонг оттиргач, тўғри туман ички ишлар бўлимига келиб эри урганлиги, уйдан қувганлиги ҳақида шикоят қилди, ариза топширди. Кунни кўчаларда довдираб ўтказди. Қуёш ботгач эса уйга қайтди. Ухлаб ётган эри уйғонди. Уни жаҳлдан тушургунча Очилой ишлатмаган найранг ва устамонлик қолмади. Жумабой "Ҳалимни қаёққа кўйиб келдинг" деб сўроққа тутди. Очилой ҳар сафар уни кўрмаганлигини, қаерда эканлигидан бехабар эканлигини такрорлади.

Орадан икки кун ўтгач, у ўзининг янги "найранг халтачасини очди". Эрини милиция идорасига, қариндош-уруғларникига етаклади. Ҳалим ўқийдиган мактабга бориб, уни яна бир бор бошига кўтарди. Шайтонлик ишлатиб милициядагиларни ҳам ўзи хоҳлаган кўчаларга бошлади.

...Иш прокуратура органларига ўтказилди. Қийиқдан қил ажратадиган устомон сўроқчилар олдида Очилой ип ечолмай қолди, барча қилмишларини бўйнига олишга мажбур бўлди. Уларни жиноят содир этилган ўша чакалакзорга олиб борди. Ҳалимнинг жасади аллақачон кучукларга ем бўлган, унинг ўрнида боланинг қора шими, одам суякларининг қолдиқлари, бош чаноқ сочилиб ётарди.

Очилой Рашидова Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси, иккинчи қисми билан айбдор деб топилди ва қилмишига яраша узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Афсуски, баъзан бўлсада аёллик шаънига доғ тушиradиган Очилой каби қаҳри қаттиқ, оналик меҳридан тамоман йироқ баъзи бағри тош хотинлар ҳам учраб туради. Нима ҳам дердик. Аллоҳнинг атагани бордир ахир, уларга ҳам.

**Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Олам турфа

## ЮРАК ХАСТАЛИГИ ВА БАЛИҚ

*Дарҳақиқат, қизиқ ҳол: Гренландияда яшовчи эскимослар юрак хасталиги нима эканлигини билишмайди. Савол туғилади: нима учун? Ҳинд олимларига ҳам ана шу савол кўпдан бери тинчлик бермасди. Ниҳоят бу масаланинг ҳам тагига етилди. Гап шундаки, эскимослар жуда кўп миқдорда... балиқ истеъмол қилар эканлар.*

Маълум бўлишича, балиқ таркибидаги ёғ кислотаси ва бошқа моддалар юрак хасталигининг олдини олибгина қолмай, ҳатто уни даволаши ҳам мумкин экан. Бу моддалар, шунингдек, организмнинг бошқа касалликларга, хусусан, рак хасталигига ҳам қарашлигини ошириб, одамни соғлом тутиб юраркан. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, юрак хасталиги ва бошқа касалликларга чалинмайин деган киши ҳар ҳафтада уч марта 200 граммдан балиқ ейиши керак. Хоҳ шўрва қилиб, хоҳ қовуриб...

## СТАКАНДАН ҚУРИЛГАН МИНОРА

Швейцариялик пенсионер Дан Вестердахл 3654 та стакандан пирамида шаклида минорача ясади. Дан бу билан аввалги рекордни янгилади, ўшанда 2758 та стакандан пирамида ясалган эди.

## АЖОЙИБ ТИКУВЧИ

*Варшавалик Альфред Элерт аслида математик. Бироқ у ҳаваскор тикувчи ҳам эди. Тикувчи бўлгандаям ажойиб қовилиятга эга тикувчи эди.*

Гап шундаки, у ҳаёти давомида буюртма бўйича тиккан костюм-шимлардан ақалли бирортасини мижозининг бўй-бастини ўз қўли билан ўлчаб тикмаган. Фақат мижозининг оғирлигини, бўйини, елка кенглигини ва бел айланасини сўрарди холос. Материални аввал бичиб, сўнг кийдириб кўриб, ундан кейин тикмасди.

Альфред ҳатто телефон орқали ҳам буюртма оларди. Шунда буюртмачидан юқоридаги каби манбаларни сўрарди холос. Костюм-шим тайёр бўлгач, мижозига берарди ва албатта, буюртмачи кийим ўзига мос тушганидан хурсанд бўларди.

**М.ИСЛОМОВА тайёрлади.**

## Илҳом дафтаридан

### АЙЛАДИ...

**Муҳаббат кунлари ё раб, майхонага банд айлади,**
**Жоним ўртаб бу телбани жомига пайванд айлади.**

**Сархуш ўлиб йиқилсам гар, айб айламанг, эй дўстлар,**
**Мен бечорани май эмас, асли жонон панд айлади.**

**Ғаму ғусса ҳасратидан ашким олди лола рангин,**
**Лола киби банди-бандим парканд-парканд айлади.**

**Асир этмиш бода васли, асир этмиш жонон ҳажри,**
**Заҳри қотил солиб майга ҳаргиз хираманд айлади.**

**Маст ётарман фано аро, маст ётарман маҳшар қадар,**
**Боқиб ҳолима бу оқшом Мажнун шакарханд айлади.**

**Толеимни тор этса май сирин маҳшар аён айлар,**
**Девонани охир жонон итига монанд айлади.**

**Бода охир бўлди, аммо охир бўлмади ҳижрону ғам,**
**Ёр келар деб бир лўливаш Ўктамни хурсанд айлади.**

### ИШҚ САВДОСИ

**Неча ёзу, неча кузу, неча баҳор хазон бўлди ёрсиз,**
**Куним кечди, туним кечди ёш бирла ёрсиз, гулзорсиз.**

**Булбул каби нола қилдим, қафас бағрин қон айладим,**
**Сомон ўлди рангу рўйим кечгач умр гулрухсорсиз.**

**Абру найсон камол очиб булбул дилин шарҳ айлади,**
**Шарҳ айладим мен дилимни шому саҳар интизорсиз.**

**Умид боғлаб яраттанга ҳавас этдим кўрмакликни,**
**Насиб ўлмай висол шоми йиғладим ҳаргиз дилдорсиз.**

**Бағри қонлик қолди аждод, бағри қонлик ўтар авлод,**
**Кеттум ахир изларидан қон йиғлаб гулсиз, хунхорсиз.**

**Қалб ханжари зарби бирла тўлғаниб толдим охир,**
**Жоним олгай эмди пари бу оқшом ёрсиз, озорсиз.**

**Ишқ савдосин солиб бошга май жомига банд айлади,**
**Оҳ уради сармаст Ўктам тентираб ёлғиз, хуморсиз.**

**Ўктам ҲАКИМАЛИ**

## Тасаввуф дурдоналари хусусида

**Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС**

# ҚАЛБ ИЛМИ...

***Тасаввуф ислом динининг ажралмас бир қисми бўлиб, у кишиларни ҳалолликка ва покликка даъват этади. Шу нуқтаи назардан тасаввуф аҳли ўзларини мудом поклаш йўлида ҳаракат қиладилар.***

Тасаввуф алоҳида бир илм. Уни фан сифатида ўрганиш замон талаби. Келажак авлоднинг илмли, маърифатли ҳамда одобахлоқли бўлиши барчамизнинг ягона ва юксак орзумиздир. Бу орзу ва мақсадга эришиш учун эса, албатта, тасаввуфдан ҳам назарий, ҳам амалий тарзда фойдаланмоқ зарур.

Ақл билан фақат зоҳирий — диний ва дунёвий билимларни эгаллаш мумкин, тасаввуф эса, кўнгил билан билишдир. Бунда илоҳий билимлар нур бўлиб кўнгилга қуйилади. Шунинг учун ҳам Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий: "Ақл илмидан қалб илми юқорирокдир", — деган эди. Кўнгил суфийлар учун нафақат илоҳий маърифат чашмаси, шунинг баробарида, оламни кўриш, мушоҳада қилиш воситаси ҳам. Тасаввуф таълимотида "кўнгил кўзи билан кўриш" деган тушунчанинг машҳурлиги шундан. Жалолиддин Румий: "Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил", — деб ёзганида шу нарсани назарда тутган бўлиши керак.

Худога шукрки, юртимиз мустақилликка эришгандан буён муқаддас динимиз, хусусан, тасаввуф билан боғлиқ асарлар заҳматкаш олимларимиз томонидан таржима қилиниб, шарҳлаб халқимизга етказиляпти. Лекин дин ва тасаввуф масалаларини сиёсат, иқтисодий ҳаёт ва ахлоқ мавзулари билан боғлаб тушунтириб берадиган асарларни нашр этиш ҳозирги ҳаётимиз учун янада зарур. Чунки тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақоид, тарих, адабиёт соҳаларида асарлар ёзиб, уни исломий маданият ва санъат билан боғлаш мумкин. Аммо исломни дунё сиёсати, иқтисоди ва маданияти билан боғлаб таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ислом маданиятининг дунё маданиятига қўшган ҳиссасидан фахрланар эканмиз, аввало ўзимиз шу маданиятни чуқур билишимиз лозим.

Яқинда "Адолат" нашриётида Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ ва Ҳамидулла Амин томонидан нашрга тайёрланган "Табаррук рисолалар" китоби чоп этилди. Тўпламдан Хожа Убайдулоҳ Аҳрорнинг қаламига мансуб бўлган "Рисолаи Волидиййа", "Рисолаи Ҳаворийя", "Фиқрот ул-Орифийн" шунингдек, "Анфос нафийса" каби рисолалар ўрин олган бўлиб, ўзбек тилига илк маротаба таржима қилинди. "Табаррук рисолалар" деб номланувчи мазкур китоб Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ҳамда тасаввуф тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Бундан ташқари 2004 йилда олимларимиз Маҳмуд Ҳасаний ва Баҳриддин Умрзоқ томонидан нашрга тайёрланган Фахриддин Али Сайфийнинг "Рашоҳоту айнил ҳаёт" ("Оби ҳаёт томчилари") деб номланувчи китобининг тўлдирилган иккинчи нашри ҳам "Абу Али Ибн Сино" нашриётида чоп этилди.

Тўғри, заҳматкаш олимларимиз изланиб, шу каби хайри ишлар қаторида китоблар нашр этмоқдалар, таржималар қилмоқдалар, лекин булар ҳали етарли даражада эмас. Олимларимиз эътироф этганларидек, ҳазрати Хожа Аҳрор Валий, Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр ва Бобораҳим Машраб каби буюк сиймоларнинг асарларини, диний ва дунёвий илмларни пухта ўзлаштирмасдан, тасаввуф таълимотини теран билмасдан туриб, ўз билимларимизни мукаммал дея олмаймиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси мисолида кўрадиган бўлсак, ҳозиргача қанчадан-қанча қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳаёт юзини кўриш умидида ўз таржимон ва тадқиқотчиларини кутиб турибди. Жумладан, улар орасида Баҳоуддин Нақшбанднинг "Нақшбандия" (1626-инвентар рақами), Сўфи Оллоёрнинг "Саботул-ожизин" (1390-инвентар рақами) ва "Муродил-орифин" (1719-инвентар рақами), Иброҳим ибн Исмоилнинг "Ат-таъарруф фи мазҳаб ат-тасаввуф" (1833-инвентар рақами) номли асарлари ва бошқа нодир қўлёзма ҳамда тошбосма китоблар мавжуд. Ислом дини ва маданиятини чуқур англаш, уни тушуниш, асл ҳақиқатларини билиш учун халқимиз бу каби китоблардан баҳраманд бўлиши лозим. Айниқса, ислом ниқоби остида юртимизга кириб келаётган турли хил оқим ва ботил гуруҳлар кирдикорларини фош этиш учун ҳам бундай китобларни таржима этиш фойдадан холи бўлмайди.

## ХЎРОЗ ЙИЛИ

***Хитой ой тақвимига кўра Янги йил 21 январдан кейинги биринчи тўлин ой чиққан кечага тўғри келаркан, яъни 21 январдан 20 февралгача бўлган оралиқда ҳар йили турли санада Янги йил кириб келади. Демак, Хитой ой тақвимига биноан Хўроз йили 2005 йилнинг 9 февралидан кучга киради.***

Тақвимдаги энг кўзга кўринган, мағрур, доимо қўшиқ хиргойи қилувчи ҳайвон хўроздаги том маънода янги куннинг туғилиши билан боғлашади. Қуёшнинг илк заррин нурлари ер юзини кўриши билан янги кун бошланганидек, хўрознинг қичқириғи ҳам янги кундан дарақдир.

Кириб келган йил хўроз йили экан, хўш, бу йилнинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Аввало, Хўроз йили ҳар ўн икки йилда такрорланишига қарамай ҳар сафар у ўзгача сифатлари билан намоён бўлади. 2005 йилги Хўроз йили бизга қандай совғалар ҳозирлаган?

Хўроз тартиб-интизомни ёқтиргани, жуда меҳнаткашлиги боис ушбу йилда қатъий режа асосида бир эмас, бир нечта ишларни амалга ошираман деган инсоннинг ошиғи олчи бўлади. Шунингдек, хўроз йили зинҳор-базинҳор ноҳақлик ҳамда қонунбузарликларни кечирмайди. Шу сабабдан ҳар бир ишни виждонан бажаришга ҳаракат қилганингиз мақсадга мувофиқдир.

Хўроз йилида атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлган ва ўз давлати равнақи йўлида меҳнат қилганлар алоҳида ютуқларни қўлга киритадилар.

Булардан ташқари, жорий йилда яқинларга, қариндош-уруғлару таниш-билишларга алоҳида эътиборли бўлиш талаб этилади, акс ҳолда ўйламай қилинган биргина ҳаракат туфайли оила аъзоларингизнинг дилини қаттиқ ранжитиб қўйишингиз мумкин.

2005 йилнинг охирига келиб барча муаммолар ўз ечимини топиши кутилади, хусусан молиявий масалалардаги муаммолар. Бу ҳаёт асосини ташкил этадиган муаммолар тугайди дегани эмас. Аммо унинг аҳамияти бирмунча пасаяди ва ўз ўрнини инсонлар фаолиятидаги янги истеъдод қирраларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бу эса ўз навбатида қайси касб бўлишидан қатъи назар янги йўналишларда ижод қилишга, фаолият доирасини кенгайтиришга замин яратади.

Бу йилда майлун йилида бошлаган ишларингизни дадил давом эттираверишингиз мумкин. Асосийси ўзингизга бўлган ишончни йўқотманг, шунда марра сизники, бу, айниқса, хўрозга ёқиб тушади. Фақат ишончли ҳамкорни қўлдан чиқарманг ва жамиятдаги аниқ ўрнингизни сақланг.

Қуйида келтирганларимиз қанчалик сизга ёрдам беради ёки йўқ бизга қоронғу. Лекин қайси тақвим бўлишидан қатъи назар ҳаёт тамойили борки, у инсонлардан доимо олға интилишни ва барча нарсадан, ҳатто ёмонликдан ҳам эзгулик, яхшилик тоза билишни талаб қилади. Ва бу талабни бажара олганларни эса ҳаёт тақдирлайди.

**Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА**

## Ним кулги

**Саъдулла СИЁЕВ**

# ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҒАМИ БОР...

***Бухоро хони Амир Ҳайдар шеър, мусиқа тинглашни хуш кўрарди-ю, бировнинг дардини тинглашни ёқтирмасди. Унинг ғалати одати бор эди: гоҳо эски жанда кийиб, авом халқни оралаб юрарди.***

**Бир куни жума намозидан кейин Амир Ҳайдар қаландар қиёфасида бир мадрасага кириб келди. Бу ерда замонасининг етук шоири Мужрим Обид истиқомат қилар, юпун ва ночор аҳволда кун кечирарди. У "келинг" дегандек Амир Ҳайдарга бош иргаб қўйди. Хон бўйра четига чўкди-ю, шоирдан ҳолинг не, деб сўрамади. Фақат телбанома илжайиб:**

**— Ҳм, шоири даврон, муроқабага кетибдилар, ғазал дарди тинчлик бермайдиму? — деди.**

**— Йўқ, азал дарди, — ердан бош кўтармай жавоб берди шоир, — нон ғамини емоқдаман...**

**Амир Ҳайдарнинг донгдор шоирдан бундай дийдиёларни эмас, балки шеър эшитгиси бор эди. У Мужрим Обидга тўрт сўз таклиф қилди, шу сўзларни ишлатиб, икки байт айтишини сўради. Бу сўзлар гул, қилич, танбур, нон эди. Шоир кўзларини юмди. Бир лаҳзадан сўнг хаста товушда қироат қилди:**

*Бошимга гул тақу рангимни кўр,*
*Дастимга қилич бер — жангимни кўр,*
*Танбур каби қорни очларданман,*
*Илкимга нон бериб оҳангимни кўр.*

**Амир Ҳайдар мамнун жилмайди. У шоирга эҳсон қилмоқчи бўлиб чўнтагини ковлади. Лекин, қаландар қиёфасига кирган хоннинг киссасидан бир мири ҳам чиқмади.**



Тошкент вилояти

Бекобод тумани "Тез ёрдам" бўлими 52 та маҳалла фуқароларига тиббий хизмат кўрсатади. Айни пайтда туман аҳли бўлим ходимлари хизматидан мамнун.

**СУРАТДА: бўлимнинг тажрибали ҳайдовчиси Муҳиддин Назаров.**

С.ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

## «Mahalla»нинг футбол ғузари

# САРҲИСОБ

***Янги йил турли соҳаларда сарҳисоб қилиш, янги режалар тузиш даври экани табиий. Ўзбекистон футболининг 2004 йилда қўлга киритган муваффақиятлари ва келгуси мавсумда чарм тўп усталаримиз ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар янги йил арафасида мамлакат футбол федерациясининг ҳисобот-сайлов конференциясида атрофлича муҳокама қилинди. Амалга оширилган ишлар ижобий натижалар бераётгани қайд этилиб, федерация иши қониқарли деб топилди.***

Зокиржон Алматов 2008 йилгача давом этадиган янги муддатга Ўзбекистон футбол федерацияси президенти этиб сайланди. Бошланган 2005 йилнинг августида Зокиржон Алматов ЎФФ президенти этиб сайланганига 10 йил тўлади. Биз ана шу ўзига хос юбилейни мамлакатимиз миллий терма жамоаси 2006 йилги жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиб кутиб олишига жуда ишонгимиз келади. Ҳозирга қадар федерация бош котиби сифатида футболимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Бахтиёр Раҳимов ЎФФ биринчи вице-президенти этиб сайланди.

2004 йилги футбол мавсуми якунларига кўра ўз соҳасида энг яхши деб топилганларга янги йил арафасида ўтказилган махсус тадбирда соврин ва совғалар топширилди.

2004 йилнинг энг кучли футболчисига аталган соврин терма жамоамиз сардори Миржалол Қосимовга насиб этди. Иккинчи ўринга терма жамоа ҳужумчиси, мавсумни Москванинг "ЦСКА" жамоасида ўтказган Александр Гейнрих муносиб деб топилди. Учинчи ўринни терма жамоамиз ва Киевнинг «Динамо» клуби ҳужумчиси Максим Шацких эгаллади. Миллий чемпионатимиз тўпурари наманганлик Шуҳрат Мирҳолдиршоев, пахтакорчи Сервер Жепаров, қаршилик Зафар Холмуродовлар кейинги ўринларни эгаллашди.

Эслатиб ўтамиз, Миржалол Қосимов 1993, 1998 ва 2000 йил якунларига кўра ҳам Ўзбекистоннинг энг кучли футболчиси деб тан олинган эди. 1992 йили мамлакатимиз футболчилари орасида Валерий Кечинов тенгсиз деб эътироф этилган бўлса, 1994 йили махсус соврин Игорь Шквиринга топширилган. Кейинги йилларда махсус сўровда ғолиб чиққан футболчиларни ҳам ёдга олиб ўтайлик: 1995 йили — Олег Шацких, 1996 ва 1997 йилларда —Павел Бугало, 1999 йили — Андрей Акопянц, 2001 йили — Николай Ширшов, 2002 йили — Александр Гейнрих, 2003 йили — Максим Шацких.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мураббийлар орасида Тошкентнинг «Пахтакор» клуби устози Тачмурад Агамурадов йилнинг энг яхши мураббийи деб топилди. Кучли учликдан «Нефтчи» бош мураббийи Юрий Саркисян ҳамда терма жамоамиз маслаҳатчи мураббийи бўлиб ишлаб келаётган немис мутахассиси Хайнц-Юрген Геде жой олишди.

«Навбаҳор» ҳужумчиси Шуҳрат Мирҳолдиршоев чемпионатда 28 та гол киритиб, энг сермаҳсул тўпурар унвонига сазовор бўлди.

ФИФА ҳаками тошкентлик Рустам Саидов йилнинг энг яхши ҳаками дея эътироф этилди.

Янги йил арафасида ўтказилган базмда чемпионатда совринли ўринларни қўлга киритган жамоалар ҳам тақдирланди, миллий чемпионатимизда ғолиб чиққан «Пахтакор» жамоаси вакилларига олтин медаллар тантанали суратда топширилди. Футболимиз ривожига ҳисса қўшган ва қўшаётган бир гуруҳ футбол фахрийлари, мураббийлар, журналистлар, мухлислар ва санъаткорлар ҳам махсус совғаларга эга бўлишди.

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ**

— Юқоридан текширувчилар келаётган эмиш, янги қурган иморатингизни мактаб учун бир ҳафтага ижарага олиб турсакмикан?!.

Х.СОДИҚОВ чизган расм.

## Диққат: обуна!

**Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.**

Ф. МТ-1

Mahalla газета/журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

Йил учун (ойлар бўйича): 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. | жойи | 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича): 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

**NOTE**

Ҳурматли обуначилар! Ушбу квитанцияни обуна жараёнида сиз учун қулайлик яратиш мақсадида чоп этмоқдамиз. Квитанция варақасини кирқиб олиб ва уни тўлдириб, матбуот тарқатиш ёки алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75. Ҳатлар бўлими: 136-57-62.

8613 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-024 Топширилди — 21.00
2 3 4 5 6